

# Халқ сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 16 февраль, № 33 (5453)

Пайшанба

## «ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ АЛОҲИДА ТАҲСИНГА САЗОВОР»



Аввал хабар қилганимиздек, 16-17 февраль кунлари пойтахтимизда «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизациялашнинг муҳим шарт» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли анжуманда турли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таълим соҳасида фаолият юритаётган танқили мутахассислар ҳамда экспертлар иштирок этди. «Халқ сўзи» мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

**Рене ТОЛЛЕМЕР,**  
Халқаро тиббиёт академияси  
экспертизаси аъзоси,  
Тулуза университети профессори  
(Франция):

— Юртингизга бундан икки йил муқаддам келиб жуда катта таассуротлар билан қайтганим. Уш а ажойиб кунлар ҳали-ҳануз ёдимда. Шу боис Тошкентда таълим соҳасига бағишланган йирик халқаро анжуман ўтказилишини эшитганимда бу бетакдор заманга яна ташриф буюриш имконияти туғилганидан беҳад қувондим.

Мен Ўзбекистон таълим тизимидаги ислохотларни доимо катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Сабаби, ушбу мамлакатда фарздан тарбиясида ўта нозик масалага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, йилдан-йилга улкан ютуқларга эришилмоқда. Масалан, бугун жохон тиббиётда Ўзбекистон тўплаган таъриб алоҳида эътироф этиляпти. Бу бежиз эмас. Қабул қилинган қатор дастурлар асосида она ва бола саломатлигини асраш, нафақат шаҳарлар, балки олис ҳудудларга ҳам бирдек сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар йили катта куч ва маблағ сарфланмоқда. Энг муҳими, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш тизими изчил йўлга қўйилган. Тошкент тиббиёт академиясида профессорлар, ўқитувчилар ҳамда талабалар билан суҳбатлашиб, бунга яна бир қарра амин бўлдим. Айниқса, ёшларнинг дунёқараши кенглиги, изланувчанлиги, фанларни чуқур ўзлаштириётгани, замонавий технологиялардан бемалол фойдалана олаётгани менда алоҳида ҳавас уйғотди. Улар учун яратиб берилган шарт-шароитлар ҳам таҳсинга лойиқ. Мана шу жиҳатларнинг барчаси мустақил Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишида, ўзига хос тараққиёт йўлидан келажаққа қатъий ишонч билан қадам ташлашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаёпти.

**Эдмунс ТЕЙРУМНИЕКС,**  
Резекне олий ўқув юрти  
ректору (Латвия):

— Ҳар қайси соҳадаги ислохотлар самарадорлиги, аввало, унинг ҳуқуқий асосларига боғлиқ.

Ўзбекистонда Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганидан яхши хабардорман. Ушбу ҳужжатларда кўзда тутилган мақсад ва вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этиб борилаётгани боис ёшлар чуқур билим эгаллаб, мамлакат раҳнақига муносиб ҳисса қўшадиган мутахассислар бўлиб етишишмоқда. Энг муҳими, улар ҳаётда ўз йўлларини топиб олишга, Халқаро ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, қатор нуфузли хорижий олий ўқув юртининг филиаллари билан ҳамкорлик қилишга лойиқ бўлишга эришди.

Таъкидлашни истардимки, Тошкентда ўтказилаётган мазкур халқаро конференция биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки унинг иштирокчилари сони, географияси, тадбир доирасидан ўрин олган дастурлар камрови жуда кенг. Ташрифимиз давомида Ўзбекистондаги мактаб, коллеж ва олий ўқув юртида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишамиз, таълим тизими тўғрисида янада кўпроқ маълумотга эга бўламиз. Қолаверса, анжуман турли мамлакатлардан келган олимлар, мутахассислар билан ўзаро фикр алмашиш учун қулай фурсатдир.

Келгусида юртингиздаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиб, ортирилган таърибаларни ўртоқлашиш ниятида- миз. Тошкент ахборот технологиялари университети, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти билан шу хусусда музокара олиб бора- йимиз. Уйлайманки, бу алоқалар икки томон учун ҳам бирдек манфаат келтиради.

**Азमत Ҳаёт ХОН,**  
Пешавор университети  
ректору (Покистон):

— Таълим соҳасида меҳнат қилаётганимга ўттиз йилдан ошди. Дунёнинг ўнлаб мамлакатларига сафар қилганман. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам илгари бир неча бор бўлганман.

Юртингиз ёшларининг фан- таълим, маданият, спорт, санъат соҳаларида эришаётган ютуқлари кишида қанчалар ҳавас

(Давоми 2-бетда).

## Кадрлар тайёрлаш миллий дастури



Ёшлар — юрт келажаги. Уларнинг аждодларимизга муносиб авлод сифатида улғайиб, мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида ҳамжиҳатлик билан дадил интилишлари буюк давлатимизнинг пойдевори мустаҳкам бўлишига хизмат қилади. 2008 йилнинг Ёшлар, 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб номлангани замирида ҳам ўғил-қизларимиз, қолаверса, юртимиз келажаги ҳақида гамхўрлик мужассам. Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган маърузасида бу ҳақда шундай деган эдилар: "...биз юртимизнинг эртанги ривожини йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги кунини, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етуқ мутахассис ёшларимиз, десак, уйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди".

# ЮКСАК БИЛИМ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ

Юртимизда ёшларнинг баркамол вояга етишлари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимизнинг бевосита ташаббуси ҳамда фарзданларини ўз иқтидорларини намойён этиб, республика ва халқаро миқёсдаги фан олимпиадаларида, турли анжуман ва симпозиумларда Ватан шаънини муносиб шарафларига қўшилган юксак эътибор ва эъзоз самараси ўлароқ, бугунги кунда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида ҳаётга татбиқ этилган янгиланишлар халқаро жамоатчилик томонидан муносиб баҳоланмоқда. Зеро, таълим соҳасини такомиллаштиришга оид ислохотлар туфайли юртимизда юзлаб янги ўқув бинолари қад ростлади, мавжудлари мукамал таъмирланди, энг сўнгги замонавий ўқуналар билан жиҳозланди. Бу

нинг натижасида ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод — истиқлол фарзданлари ўз иқтидорларини намойён этиб, республика ва халқаро миқёсдаги фан олимпиадаларида, турли анжуман ва симпозиумларда Ватан шаънини муносиб шарафларига қўшилган юксак эътибор ва эъзоз самараси ўлароқ, бугунги кунда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида ҳаётга татбиқ этилган янгиланишлар халқаро жамоатчилик томонидан муносиб баҳоланмоқда. Зеро, таълим соҳасини такомиллаштиришга оид ислохотлар туфайли юртимизда юзлаб янги ўқув бинолари қад ростлади, мавжудлари мукамал таъмирланди, энг сўнгги замонавий ўқуналар билан жиҳозланди. Бу

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети мамлакатимизнинг энг нуфузли олий ўқув юртидир. Айни пайтда мазкур жамоа Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда бўлиб ўтаётган «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тар-

биялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизациялашнинг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференция руҳида яшамоқда.

Бугунги кунда университетда таълим олаётган 10 мингдан зиёд талабага 1200 нафар профессор-ўқитувчи, жумладан, 17 нафар академик, 197 нафар фан доктори ва 513 нафар фан номзоди билим бермоқда.

Кадрлар тайёрлаш соҳасида бой таъриб ва катта салоҳиятга эга бўлган мазкур таълим даргоҳи жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига чуқур интеграциялашган. Хусусан, мазкур олий ўқув юрти хориж-

даги етакчи университетлар билан ҳамкорлик қилаётир. Ушбу йўналишда халқаро таълим дастурлари ва лойиҳалари, кўшма илмий тадқиқот фаолияти амалга оширилмоқда, илмий-амалий семинар ҳамда конференциялар ўтказилапти.

Университетда фундаментал тадқиқотларни муваффақиятли ўтказиш мақсадида хориж ўқув юрти билан яқин алоқалар йўлга қўйилган. Миллий университетнинг кўплаб олимлари чет элда ўтаётган илмий-амалий конференцияларда қатнашмоқда. Грантлар асосида ҳар йили илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Олий ўқув юртида иқтидорли талабаларни рағбатлантириш мақсадида Давлат бюджетдан катта ҳажмдаги маблағлар ажратилмоқда. Айни пайтда талабалардан 20 нафардан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, 22 нафари Алишер Навоий номидаги, 20 нафари Мирзо Улуғбек номидаги ва яна уч нафари Абу Райҳон Беруний номидаги стипендиялар соҳибларидир. Шунингдек, 1,5 минг нафардан ортиқ талаба эса университет стипендиясини олмақда.

(Давоми 2-бетда).

## ■ Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Урганч шаҳрида «Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдевори» мавзусида бизнес-форум ташкил қилинди.

## ТАДБИРКОРЛАРГА МОЛИЯВИЙ МАДАД

Мустаҳкам оила йили муносабати билан ўтказилган мазкур тадбирда республика тижорат банклари вилоят филиаллари мутасаддилари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, яқунланган йилда вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Тижорат банклари томонидан уларга 156 миллиард сўмлик, яъни аввалги йилдагига нисбатан 1,5 баробар кўп кредит ажратилган, шу жумладан, микрокредитлар ҳажми 1,6 баробар ўсгани ана шундан далолат беради.

Анжуманда кичик бизнеснинг мустаҳкам оилани шакллантириш ва унинг фаровонлигини таъминлашдаги аҳамияти ҳақида сўз юртилиши баробарида, тижорат банкларининг вилоят филиалларига тақдим этилган 24 та лойиҳа эгаси қимматбахо совғалар билан тақдирланди. 76 та энг яхши лойиҳа соҳибига эса 9,5 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакатимизда:

### Жиззах

Аرنасой тумани марказида мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилиши санъатга илҳосманд болалар учун қувончли воқеа бўлди.

### Аرنасойлик ёшлар қувончи

— 150 ўқувчига мўлжалланган мазкур мактаб қурилиши учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 1 миллиард 750 миллион сўмлик маблағи ўзлаштирилди. — дейди муассаса директори Р. Муқимов. — Замонавий жиҳозлар ва чолғу асбоблари билан таъминланган мактабда 125 нафар ўқувчи 6 та йўналиш бўйича мусиқа ва санъат сирларини ўрганмоқда. Айтиш жоизки, Давлат дастури доирасида ўтган давр мубайнада вилоят маркази ҳамда 7 та туманда болалар мусиқа ва санъат мактаблари фойдаланишга топширилди.

**У. АДЛОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Кичик бизнес учун катта сармоя

Мингбулоқ туманида ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларига 4 миллиард 23 миллион сўмлик сармоя йўналтирилиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш борасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилди.

### ■ Наманган

Жомашўй шаҳарчасида фаолият юритаётган «Мамадалиев Валижон Абдурахмонович» масъулияти чекланган жамияти жамоаси банкнинг 24 миллион

сўмлик кредити ҳисобига ўз фаолиятини кенгайтди. Пировардида бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробарга ортди. Ҳозир 16 киши меҳнат қила-

ётган жамиятда ойига ўртача 20 миллион сўмлик қос- тюм-шим ва турли кийим-кечаклар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

**К. НАЖМИДИНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

### ■ Тошкент вилояти

Қибрай туманидаги 10-умумтаълим мактаби қошида замонавий спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

### Бунёдкорлар туҳфаси

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ТИП-5 андозаси асосида бунёд этилган мазкур иншоотда спортнинг бир қатор оммавий турлари билан шуғулланиш имконияти мавжуд. Бу

ерда «Строй Азия абсолют» хусусий фирмаси бунёдкорлари қарийб 300 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар.

**Ф. ШЕРАЛИЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

### ■ Навоий

Хатирчи туманидаги «Боғишамол фаровонлиги» хусусий корхонасида банкнинг 30 миллион сўмлик кредити эвазига полиэтилен шифер ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

### Илмий изланишлар натижаси

Эътиборли жиҳати, маҳсулот тайёрлаш технологияси маҳаллий олимлар томонидан яратилди. Пировардида 10 кишининг доимий бандлиги таъминланди.

Яқунланган йилда туманда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга итисослаштирилган 12 та корхона ташкил этилди.

**А. ЗАРИПОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Инвестициялар улуши ортмоқда

2011 йилда мамлакатимизда инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши

**23,9** фоизни ташкил этди.

Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиги республикамизнинг ички манбалари — корхоналар ва аҳоли маблағлари, тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилаётгани, айниқса, эътиборга лойиқдир.

Бир рақам шарҳи

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

«ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ АЛОҲИДА ТАҲСИНГА САЗОВОР»

Давоми. Бошланиши 1-бетда.
уйғотса, ана шу муваффақиятларга асос бўлиб хизмат қилаётган тизим ҳам шунчалик қизиқини орттиради. Мисол учун, мамлакатингизда мажбурий таълим босқичи бепул этиб белгиланган. Давлат мактаб, коллежлар қуриш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ҳар йили катта миқдорда маблаг сарфлайди. Эндигина мактабга қадам қўйган жажжи болажонларга кўрсатилаётган ғамхўрликни айтмайсизми? Уларга Президент совғаси сифатида сумка, ўнлаб турдаги ўқув қуроллари совға қилинади. Бу, албатта, мурғак қалбларда билим олишга бўлган иштиёқни кучайтиради. Мен мазкур ўзига хос аънава ҳақида биринчи марта эшитганимда жудаям ҳайратлангандим. Шу боис қаерга бормай, уни алоҳида тилга оламан. Бундан ташқари, мактаб, коллеж ва олий ўқув юртилари ўртасида уч босқичли спорт мусобақаларининг доимий ташкил этиб келинаётгани ҳам ўрганишга арзийдиган тажрибадир.

Луиза СЕРДЕЙРА, Лиссабон университети проректори (Португалия):
— Очигини айтиш керак, бугунги молиявий-иқтисодий инқироз шароитида қўллаб ривожланган мамлакатларда ҳам таълимга сармоа ажратилиши, уни модернизация қилиш каби масалалар эътибордан четда қолмоқда. Ана шундай мурракб вазиятда юртингизда Президент Ислол Каримов томонидан навқирон авлоднинг таълим-тарбияси, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишлари учун катта ғамхўрлик кўрсатилаётгани таҳсинга сазовор. Биргина мисол: ўғил-қизларнинг замонавий ўқув даргоҳларида билим олишлари, ўзлари ёқтирган касбу корни эгаллашлари учун давлат бюджетидан катта миқдорда маблаг йўналтирилмоқда. Айниқса, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда коллеж — корхона муносабатларини раванқ топтириш борасида олиб борилаётган ишлар эътирофга лойиқ. Пировардида ёшларнинг ижтимоий бандлиги таъминланмоқда. Чунончи, уларнинг ўз ихтисослиги ва хуудларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, саноат, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда ишлашлари учун кенг имкониятлар яратиб берилаётганига ҳавас қилсак, арзийди. Ўзбекистон таълим тизими алоҳида таҳсинга сазовор.

Дайн АДАЧИ, Вашингтон университети вице-президенти ёрдамчиси (АҚШ):
— Ўзбекистонда таълим сиёсати ва унинг ажралмас қисми ҳисобланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатингизнинг қўлга киритаётган салмоқли кўрсаткичлари бежиз эмаслигини исботлаб турибди. Ўз навбатида, ўзбек ёшларининг халқаро билим ва спорт ареналарида эришаётган ютуқларининг ўзидек бу фикрнинг тасдиғи бўла олади. Узим футболга жуда қизиқман, мундиалларни қолдирмасдан қуриб бораман. Шу жумладан, ўтган йили Мексикада ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатини диққат-эътибор билан кузатдим. Табиийки, унда АҚШ терма жамоасига мухлислик қилдим. Ўсмирларнинг бизнинг терма жамоа устидан муносиб ғалаба қозонишганда, тўғриси, ўзбекистонлик ёш футболчилар кўрсатган чиройли ўйинга тан бердим. Уларнинг ўйинларини ҳам қолдирмасдан қуриб бордим ва «миллионлар ўйини» бўйича дунёдаги саккизта энг кучли давлатдан бири айнан Ўзбекистон бўлганидан қувондим.

Юртимизга ташриф буюрганимда, ёшларингизнинг бундай катта натижалари бежиз эмаслигини янада чуқурроқ англаб етдим. Ўғил-қизларнинг нафақат спорт билан шуғулланишлари, балки билим олишлари, илм-фан чўққиларини забт этишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилганлиги гувоҳ бўлдим.

Габриеле МЕНТГЕС, Дортмунд техника университети профессори (Германия):
— Ўзбекистондек мафтункор ва меҳмондўст юртга қўллаб сафарлар уюштирганман. Карангки, ўнинчи бор ташрифим ана шундай нуфузли тадбир арафасига тўғри келди. Бундан жуда бахтиёрман. Мамлакатингизда иқтидорли ўқувчи-талабаларни давлат томонидан кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш тизими самарали йўлга қўйилган. Хусусан, шу йўналишда турли жамоатчилик ташкилотлари изчил фаолият юритиб келмоқда. Қолаверса, имтиёзли стипендиялар ва мукофотлар жорий этилган. Қўриқ-танловларни мунтазам ўтказиб келиш яхши аънавага айланган. Айни чоғда ўзбекистонлик ёшлар халқаро олимпиадалар, санъат ва маданият кўргазмаларида ҳаминша юқори даражада қатнашиб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси мамлакат раҳбарининг таълим-тарбия соҳасига қаратаётган юксак эътибори, бу борада рўбга чикарилаётган изчил ислохотлар ва комплекс чора-тадбирлар самарасидир.

«Халқ сўзи» мухбирлари Шавкат ОРИҲОВ, Саиджон МАХСУМОВ ёзиб олди.

Германия матбуоти: Роғун гидроиншооти қурилиши сейсмик жиҳатдан хавфли ҳудудда олиб борилмоқда

Яқинда Германияда чоп этиладиган «Südthüringer Zeitung» газетасида Ўрта Осиё минтақасининг сув муаммоларига бағишланган мақола эълон қилинди. Унда ўқувчилар эътибори Оролбўйи минтақасида юзага келган экологик фожиага қаратилган бўлиб, мақолада, жумладан, бир пайтлари Орол денгизи катталиги жиҳатидан дунёда тўртинчи ўрнида турувчи қўл бўлгани, аммо бугунги кунга келиб, у қуриб бораётгани сабабли баҳри азим 100 йил олдинги ҳажмидан ўн баравар камайиб кетгани қайд этилади.

Дунё нигоҳи
Ўрта Осиё трансгеографик дарёлари оқимининг юқори қисмида янги йирик гидроэлектростанциялари қурилиши эса, мақолада алоҳида таъкидланганидек, минтақадаги экологик вазиятни янада ёмонлаштиради. «Экспертлар Орол денгизи ҳавзасидаги вазиятга баҳо беришар экан, Орол муаммоси йирик экологик ҳалокат эканлигини эътибор этишмоқда. Ўтган асрнинг 60-йилларида бошлаб Орол денгизининг қуриб боришига минтақада сувдан нотўғри фойдаланиш, собиқ совет давридаги пахта яккаҳоқимлиги сиёсати, сув хўжалигининг нооқилона бошқарилиши сабаб бўлди», дея ёзилади газетда. «Натижада сўнги 50 йил ичида



ЮКСАК БИЛИМ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ

Давоми. Бошланиши 1-бетда.
давом эттирилмоқда. Бу даргоҳдаги талабалар ўқишда интизомлидирлар. Шунинг учун ҳам талабалар тураржойларида ташкил этиладиган маънавий тадбир ва учрашувларда улар, айниқса, фаол. Мисол учун, шoir ва ёзувчилар, санъаткорлар билан ўтказиладиган давра суҳбатларида ёшлар Ватан ва миллат олоғия, табиий ресурслардан оқилана фойдаланиш ва бошқа йўналишлар бўйича илмий тадқиқот ишлари

лади. Бугуннинг ёшлари бошқача эканлигига, уларнинг юрагига эл-юртга хизмат қилиш истаги кучлилигига амин бўласиз. ...Истиқлол туфайли кўпдан-кўп хайрли ниятларимиз рўёбга чиқди. Ёшлар учун улкан имкониятлар эшиғи очилди. Ҳам руҳан, ҳам ақлан етук ёшларни тарбиялашда Мирзо Улугъидидаги бурч хусусида баҳс-мунозарага киришиб кетадилар. Бундай суҳбатларни кузатиб эса, ҳавасингиз ке-

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.
Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Фарзандлар камолдан қувонамиз

Мустиқиллик туфайли биз фаоллашдик, ёш авлодга таълим-тарбия беришининг масъулиятини янада чуқур англаб етдик. Энг муҳими, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида соғлом муҳит барқарорлашди. «Устоз — шогирд» аънаваси қайта йўлга қўйилиб, талабаларимизнинг эркин фикрлаши, дарс жараёнида мураббийлар билан баҳсга киришиши тобора жонланиб бораётганини кузатишмоқда. Илмий тадқиқотларга қизиқиш кучаймоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, ёшларимизга дунё илмининг эшиклари кенг очилди. Мана шуларнинг барчаси қисқа муддатда қўлга киритилди. Мухтарам Юртбошимиз Ислол Каримов 2011 йилнинг асосий аъёнлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирилар Маҳкамасининг маж-

лисидида маърузасида мамлакатимиз ривожининг барча соҳаларида эришган ютуқларимизни сарҳисоб қилиб, халқаро молия ташкилотлари, рейтинг агентликларининг баҳосини эслатиб ўтдилар ва ўтган йил билан ҳақли равишда фахрлишимизни таъкидладилар. Барча йўналишларда бўлгани сингари, таълим тизимидаги устувор йўналишларни яна бир бор белгилаб бердилар. Узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ишларини изчил давом эттиришимизни уқтирдилар. Олий таълимга 2011 — 2016 йиллар учун 277 млрд. сўм ажратилганлигининг ўзиёқ соҳага қаратилган эътиборнинг амалий ифодасидир.

Суюн КАРИМОВ, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети профессори, «Шухрат» медали соҳиби.

Барча шароитлар муҳайё

Юртимизда ўғил-қизларнинг замон талаблари асосида сабоқ олишлари йўлида амалга оширилаётган ишларни қуриб, уларга ҳавасим келади. Мана, коллежимизни олиб кўринг. Бу ерда алоқ қилиш, у ёки бу касб сирларидан воқиф бўлиш учун барча шарт-шароит бор. Ўтган йили масканимиз Жанубий Кореянинг имтиёзли кредити эвазига ўқув-устахона ва

дорлари қаторидан ўрин олди. Давлатимиз томонидан ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши йўлида беқиёс ғамхўрликлар кўрсатилаётган экан, биз, муаллимлар эзгу мақсадларининг ушлаши учун ўз куч ва билимимизни аямиймиз. Зебо ТЎХТАЕВА, Вобкент маънавий хизмат касб-хунор коллежининг махсус фан ўқитувчиси.

Қисқа саҳраларда

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида «Ахборот глобаллашуви ва ёшлар маънавияти» мавзусида видеоконференция ўтказилди. Унда университетнинг Фаргона ва Нукус филиаллари профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар ҳамда журналистлар иштирок этди. Тадбирда бугунги глобаллашув жараёнида ёшларнинг дунёқаролини шакллантириш, таълимга замонавий технологияларни татбиқ этиш каби масалалар хусусида сўз борди.

Навбахор туманидаги «Беҳработ лазерли нон» хусусий корхонасида мақорон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган технологик линия ишга туширилди. 45 миллион сўм эвазига амалга оширилган ушбу лойиҳа туфайли бу ерда қунига 250 килограмм маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.

Пахтабод туманилик тадбиркор Илҳомжон Мадумаров бўш турган бинони мукамал таъмирдан чиқариб, «Маданият текстиль» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Ўтган қисқа муддатда бу ерда дастлабки 50 миллион сўмликдан ортиқ қалава ип тайёрланди.

2011 йилда Оролбўйидаги ўрмон хўжаликлари томонидан қорхона ва фермер хўжаликларида 271 минг тур турли дарахт қўчатлари етказиб берилди. Шунингдек, қарийб 175 минг тул қўчат бепул тарқатилди. Пировардида қум барханлари ўрнида 10 минг гектардан зиёд ўрмонзорлар ташкил этилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ТАДБИРКОРЛАРГА МОЛИЯВИЙ МАДАД

Давоми. Бошланиши 1-бетда.
Бизнес-форум доирасида, шунингдек, банклар маблағи эвазига ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйган тадбиркорлик субъектларининг кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Тадбир якунида Мустаҳкам оила йилида кичик

Шунингдек, Нукусда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан шу мавзуда бизнес-форум уюштирилди.

Қайд этилдики, ўтган 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида Қорақалпоғистон Республикасида ушбу соҳани жадал ривожлантириш, бундай субъектлар эмин-эркин фаолият юритишлари учун ишончли ва қулай муҳит яратиш мақсадида муайян чора-тадбирлар қўрилди. Бунда тадбиркорларга, айниқса, ортиқча меҳнат ресурсларига эга олис хуудлардаги ишбилармонларга имтиёзли кредитлар ажратишни кўпайтириш, уларнинг ҳисоб рақамларини бепул очишни таъминлаш, кредит сўраб ёзган арзизларини қўриб чиқиш муддатларини янада қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада бултур республика бўйича мазкур соҳага 15 миллиард сўмлик, яъни олдинги йилдагига нисбатан 1,5 баробар кўп кредитлар йўналтирилди. Мазкур маблағнинг 33,5 миллиард сўми микрокредитлар эканлиги диққатга сазовордир. Тадбирда Президентимиз томонидан «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинган 2012 йилда оилаларни, айниқса, ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва касб-хунор битирувчилари томонидан амалга ошири-

Иزلаниш

Наманган туманидаги Қоратепа маҳалласида яшовчи Гулнора Сотволдиева фарзандлари билан биргаликда ангор эчки жунидан рўмон тўқишни йўлга қўйганига ўн йилдан ошди. Ўтган даврда улар сафига опасингиллари, қўни-қўшиллари ҳам қўшилишди. Эндиликда ўндан ортиқ оилани бirlаштирган бу хонадонни муъжазгина ишлаб чиқариш корхонасига қиёслаш мумкин. Бу ерда ойига 200 дондан ортиқ экспортбоп маҳсулот тайёрлиниб, харидорларга пешма-пеш етказиб берилапти.

Оилавий бизнес:

ХОНАДОН БАРАКАСИ

Қишлоғимиз хотин-қизлари қўлидан чиқаётган бежирим рўмолларга ташқи бозорда ҳам талаб ортмоқда, — дейди «Бунёд Нигора» шўба корхонаси раҳбари Г. Сотволдиева. — Ўтган йили 4,8 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулотни экспортга йўналтирдик. Туманда томорқа имкониятларидан оқилана фойдаланиб, рўзгорига барака киритаётган хонадонлар ҳам талайгина. Бундай оилавий бизнес эгалари йил давомида уч-тўрт мартадан ҳосил олиб, кафтдек ердан миллионлаб даромад кўришмоқда. Бунда, айниқса, замонавий иссиқхоналарнинг нафи катта бўлаётди. Масалан, Пастки Қиёт маҳалласи аҳлининг бу борадаги ютуқларига қўлчилик ҳавас билан қарайди. Маҳаллада янги узилган бодринг, помидор ёки қўкатлар йилнинг исталган фаслида топилади. Холмамат Эшматов оиласи 6 сотихли иссиқхонада дунёқончилик қилади. Уч ўғил ва набиралари қабатида. Бундан ташқари, 25 та уядаги асалари, 7 та қорамолдан олинётган даромад ҳам оила фаровонлигини таъминлаётди. Ўтган йили ҳар уч соҳадан қурилган фойда ҳисобидан янги уй тиклашди, «Дамас» автомашинаси сотиб олишди. Оқбўлоқлик Баҳриддин Парпиев эса лимончиликни йўлга қўйган. У лимон ўраларидаги 50 туқдан зиёд цитрус ўсимлигини меҳр билан парварिशлаг, юқори даромад олмақда. Яқинда бу йилги ҳосил ҳисобидан 2,5 тонна шифобахш мевани бозорга чиқарди. Янгийўл маҳалласида яшовчи Аҳаджон Муродовнинг ҳовлисига қирган киши эса аjoyиб гулзорни қуриб, хайратлангани табиий. Бу ерда йилга 8 минг тулдан зиёд турфа гуллар еттирилмоқда. Эътиборлики, поёнига етган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида туман бўйича 79,3 миллиард сўмлик халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарилди. Бунда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган хонадонларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Қолаверса, 2011 йилда 5544 та иш ўрни яратилишида ҳам мазкур соҳа имкониятларидан кенг фойдаланилди. — Хусусий тадбиркорлик ривожини, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлашда асосий омил бўлмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жағфармаси Наманган тумани бўлинимаси раиси Ховажон Икромов. — Муҳими, бу орқали хонадонларга қўт-барақа кириб борапти. Мустаҳкам оила йилида хонадон паррандачилигини ривожлантиришни кўзда тутганлиги. Шу мақсадда тўртта инкубатори қуриди. Бундан ташқари, 20 та маҳалла фуқаролар йиғинида энгил конструкцияли иссиқхоналар барпо этишни режалаштирариямиз. Умуман, уй меҳнатининг барча шакллари кенгайтириш ҳисобига жорий йилда 2052 та касаначилик иш ўрни яратилиши мўлжалланган. Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жараён

Бугунги кунда муайян бир хизмат туридан фойдаланмайдиган ташкилот ёки хонадон борми? Йўқ, албатта. Чунки ҳаёт давом этаркан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига доимо эҳтиёж ортаверади. Мазкур тармоқнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, кўп миқдорда маблағ ва капитал кўйилмалар сарфламасдан туриб, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларини ошириш, иқтисодийнинг юксалишига катта ҳисса қўшиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш ва сервис:

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ БЎҒИНИ

Шу боис Президентимиз Ислам Каримов 2011 йилнинг асосий йуклари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтди. Маърузада хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлаш таркибий янгиликларидидаги асосий эътиборни талаб қиладиган муҳим масала сифатида эътироф этилар экан, ушбу йўналишнинг жорий йилда кескин ўсиши, аввало, қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига яқин ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатиши, айниқса, қишлоқ жойларда унга янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатганлиги таъкидланди. Хизматлар соҳасини ривожлантириш борасида, айтиш мумкин, ўтган йили Қашқадарё вилоятида аввалги йилдагига нисбатан 118 фоиз ўсишга эришилди. Жумладан, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, алоқа ҳамда ахборот-

лаштириш, молиявий ва банк хизматлари, сайёҳлик ҳамда экскурсия, коммунал ва автомобилларга техника хизматлар кўрсатиш борасида белгиланган прогноз кўрсаткичлари ошириб бажарилди. Тизимга ажратилган 18 миллиард сўмликдан ортиқ банк кредитларининг 10,8 миллиард сўми қишлоқ жойларда хизмат кўрсатишни ривожлантиришга йўналтирилган, айниқса, диққатга сазовордир. Маълумки, аҳолининг молия тизимига ишончи ортиши банклар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Айни пайтда вилоятда 13 та тижорат банки ва уларнинг 59 та филиали ҳамда 67 та шохобчаси юз мингдан ортиқ миқозларга хизматлар кўрсатмоқда. Биргина "Микрокредитбанк" томонидан тадбиркорлик субъектларига 768,5 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Шунинг ҳисобига 334 та иш ўрни яратилди. — Маиший хизматнинг кийим-ларни кийиш тизимига тармоғига аҳолининг талаби юқорилигини ҳисобга олиб, "Микрокредитбанк"нинг 67 миллион сўмлик имтиёзли

кредити эвазига микролизинг асосида Хитойдан кунига 300 дан зиёд мижозга хизмат кўрсата оладиган замонавий ускуналарни келтириб ўрнатдик, — дейди Қарши шаҳридаги "YASEN Servis" маъсуляти чекланган жамияти раҳбари Ҳасан Муродов. — Ҳозирги кунда шохобчамизда кийимлар, гелам ва бошқа уй-рўзгор буюмларини илгор технология ёрдамида кимёвий тозалаш, буғлаш усулида қуриштириш, дазмоллаш ва бутлаш хизматлари кўрсатишмоқда. — Банкнинг молиявий кўмагида камида беш киши ишли бўлди, — дейди Деҳқонобод туманидаги "Богдагул Тўхтаева" жусуий корхонаси раҳбари Богдагул Номозова. — Гап шундаки, "Микрокредитбанк"дан олинган 4,5 миллион сўмлик кредит ҳисобидан тикувчилик цехини ташкил қилдик. Бу нафақат аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, балки оилавий бизнесни ривожлантириш имконини ҳам бермоқда. Дарҳақиқат, яқунланган йилда вилоятда хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурига кўра, 389 та маиший хизмат кўрса-

тиш шохобчаси, шу жумладан, 58 та тикувчилик цехи, 51 сартарошхона, 30 та пойабзал ва маиший техникаларни таъмирлаш устaxonаси, 14 та суратхона ташкил этилди. Бундан ташқари, "Исмоил солиқ консалтинг", "ШСМ", "Универсал эксперт + Б" каби маъсуляти чекланган жамиятларида солиқ мас-

даги Янгиқилиқшол ва Полмон қишлоғи ҳудудида 208 портли, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 2 та "Коинот Эл-СГМ" русумли мини-АТС қурилиб, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Қашқадарё филиалига қарашли Бешкент, Китоб ва Шахрисабз телекоммуникация боғламалари биноларида алоқа хизматлари марказлари ташкил этилди. Транспорт хизматини яхшилаш ва ҳаракат таркибини босқичма-босқич янгилаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Чунончи, тадбиркорлар ва ташкилотлар томонидан 2009 — 2011 йиллар мобайнида 250 та "Исузу" русумли автобус сотиб олинди, шаҳар ва шаҳарлараро йўловчиларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Ҳозир вилоят бўйича 346 та йўналиш бўйича ҳар кун 3174 та автотранспорт воситаси одамларнинг манзилини яқин қилаётти. Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳмонхона ва туризм ҳам алоҳида ўрин тутди, албатта. Шулар инобатга олиниб, воҳада дунёнинг турли мамлакатларидан келадиган саёҳатчиларга юқори даражада хизмат кўрсатиш имкониятлари оширилмоқда. Ўтган даврда 150 ўринли 4 та уч юлдузли меҳмонхона ишга туширилди, жами меҳмонхоналар сони 21 га етказилгани бунинг тасдиғидир.

Мухтасар айтганда, Қашқадарё вилоятида хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури талаблари изчил амалга оширилмоқда. 2011 йилда жами хизматлар ҳажми 1969,5 миллиард сўмни ташкил этгани бунга мисол бўла олади. Мустақам оила йилида эса мазкур кўрсаткич янада ортиши турган гап. Негаки, ушбу йўналишда кенг қўламли чора-тадбирлар белгиланиб, ҳаёта изчил таъбиқ этилаётти.

